

ISSUES TO INCREASE THE ACTIVITY OF WOMEN AND GIRLS IN THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY

Oltina Mamirova,

Legislative Chamber of the Oliy Majlis

MP, teacher of the Institute of Internal Affairs

E-mail: oltinoy_mamirova@mail.ru

Tel: 90 380 72 31

Annotation: If we look at the actions of the most developed countries in the world, we can see the active participation of women in building civil society. Today, we can see that in many countries, from the leadership of the state to private businesses, the development under the leadership of women is accelerating.

Keywords: society, civil society, women, equality, governance, democracy, reform.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОТИН – ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Олтиной Мамирова,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

депутати, ИИБ малака ошириш институти ўқитувчиси

E-mail: oltinoy_mamirova@mail.ru

тел: 90 380 72 31

Аннотация: Жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, фуқаролик жамиятини қуришда аёлларнинг фаол иштирокини кузатишимиз мумкин. Бугунги кунда кўплаб мамлакатлар бошқарувида давлат раҳбарлигидан тортиб хусусий бизнес корхоналаригача аёлларнинг раҳбарлиги остида ривожланиш жадаллашаётганлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда жамият сиёсий ҳаётида хотин – қизларнинг роли ошиб бормоқда. Айниқса эркин фуқаролик жамияти ривожини таъминлашда хотин – қизларнинг иштирокини ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятнинг ижтимоий – сиёсий ҳаёти ривожига уларнинг иштироки таъминлаш юзасидан кўплаб ислохотлар давлат сиёсати даражасида амалга оширилиб келинмоқда.

Калит сўзлар: жамият, фуқаролик жамияти, хотин – қизлар, тенглик, бошқарув, демократия, ислохотлар.

Кириш. Жаҳоннинг энг ривожланган фуқаролик жамиятлари тажрибаларидан кўришимиз мумкинки, аёлларнинг уни барпо қилишдаги роли беқиёс аҳамият касб этган. Мамлакатимизда ҳам демократик тамойилларга асосланган эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришда хотин-қизларнинг иштирокини таъминлаш, уларни барча соҳаларда фаоллигини ошириш масалалари долзарбдир. Уларнинг ислохотлардаги иштирокини таъминлаш, турмуш даражасини ошириш, таълим олишлари учун кенг имкониятлар яратиш масалалари бугунги кунга келиб давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш. М. Мирзиёев 2022 - йил 1 - март куни “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустақамлаш шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар” юзасидан видеоселектор йиғилишида қуйидаги сўзларни таъкидлаб ўтдилар “Сизларга маълумки, кўп минг йиллик давлатчилигимиз тарихида буюк намояндаларимиз, моҳир саркарда ва сиёсатчи бўлган ота-боболаримиз ёнида ҳамиша оқила, жасур ва фидойи момоларимиз ҳам ўзларининг юксак ақл-заковати, теран фикр ва мулоҳазалари, амалий ҳаракатлари билан мамлакат тараққиёти ва равнақиға муносиб ҳиссаларини қўшиб келганлар”[1].

Юқоригидагилардан келиб чиқиб фуқаролик жамиятини ривожлантиришда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, тарққиётнинг янги босқичига ўтаётган Янги Ўзбекистоннинг ривожига муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Асосий қисм. Фуқаролик жамияти унда хотин – қизларнинг фаоллиги масалаларига тўхталиб ўтишдан олдин, фуқаролик жамияти тушунчасига атрофлича тўхталиб ўтсак. Фуқаролик жамиятининг замонавий фанда умумэтироф этилган таърифи мавжуд эмас. Турли олимларнинг унга турли назариялари мавжуд.

“Фуқаролик жамияти” тушунчаси, авваламбор, ўз аъзоларининг турли туман манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларидаги ўзини ўзи ташкиллаштиришни англатади[2].

Фуқаролик жамияти ҳуқуқий давлат билан уйғунликда яшайди. Бу ерда инсон ва фуқаронинг табиий ва ўзлаштирилган ҳуқуқларини тан олиш, таъминлаш ва ҳимоя қилиш уларни бир – бирига боғловчи омил сифатида амал қилади [3].

Демак, фуқаролик жамияти ўз - ўзини бошқарувчи, унда турли гуруҳ ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаоллиги таъминланган, ҳуқуқлар устувор бўлган, инсон қадри энг олий қадрият сифатида қараладиган жамиятни тушунишимиз мумкин экан.

Фуқаролик жамияти ривожланган мамлакатларда ижтимоий - сиёсий муҳитни бошқаришда аёлларнинг иштироки сезиларни даражада бўлиши, уларнинг сонига ҳам боғлиқдир.

Аҳолининг асосий қисмини аёллар ташкил қиладиган жамиятларда, уларнинг кайфияти, ҳуқ-атвори, фаровонлиги жамиятдаги сиёсий ва ижтимоий-психологик иқлимни ўлчайдиган ўзига хос барометрдир. Самарали давлат гендер сиёсати контурлари ҳали тўлиқ белгиланмаган, ижтимоий муҳитдаги салбий ҳолатлар бартараф этилмаган бир шароитда хотин-қизлар ташкилотларининг ташаббуси алоҳида ўрин ва аҳамият касб этади[4].

Фуқаролик жамияти ривожига хотин - қизларнинг иштирокини таъминлашда юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, аёллар манфаатларини ифадаловчи давлат, нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли беқиёс ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам мустақилликка эришганимиздан сўнг бир қанча хотин – қизлар фаоллигини оширишга қаратилган ташкилотлар фаолият юритганлигини, ҳозирда ҳам фаолият юритаётганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, хотин-қизларни қўллаб қувватлашга доир давлат сиёсатини мустақилликнинг дастлабки йилларидан то 2020 йилгача Хотин-қизлар қўмитаси амалга ошириб келган бўлса, 2022 –йил 1 мартда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилиб унинг вазифалари қуйидагича белгилаб берилди:

- хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини ошириш, гендер тенглик кафолатларини таъминлаш, илмий фаолиятга кенг жалб қилиш;
- оила ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оила ва хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш;
- хотин-қизларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича ўқишларига зарур шароит яратиш каби вазифаларни бажаради[5].

Хотин-қизларнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий фаоллиги замонавий дунёда ошиб бормоқда. Ўзбек давлатчилиги тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қадимдан бошқарувда аёлларнинг роли муҳим ўрин тутган. Масалан, ҳукмдорлар давлат бошқарувида аёли ёки онасининг доно маслаҳатларини инобатга олган.

Янги Ўзбекистон фуқаролик жамияти ривожига хотин-қизларнинг бошқарув соҳасидаги бевосита иштирокининг кўлами кенгайиб бормоқда. Бунга хотин-қизларимизнинг бошқарув соҳасига бўлган қизиқиши, иштиёқи, ҳаракатлари билан бир қаторда давлатимиз томонидан уларни жамият ҳаётида фаоллигини оширишга қаратилган ислохотлар ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси президенти Ш. М. Мирзиёев 2022 - йил 1 - март куни “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги bosқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар” юзасидан видеоселектор йиғилишидаги нутқида “2021 йилда аёллар тадбиркорлиги дастурлари доирасида **200 мингдан зиёд лойиҳаларга 2 триллион сўм кредит ва субсидиялар ажратилиб, 320 минг хотин-қизлар** доимий иш ўринларига эга бўлди; 2021 йилда **190 минг нафар аёллар касб-ҳунарга** ўқитилди; 2020 йилда йўлга қўйилган “**Аёллар дафтари**” тизими доирасида **900 мингга яқин хотин-қизларга** ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак берилди; 2021 йилнинг ўзида **4 мингдан зиёд хотин-қизларга уй-жой тўловининг бошланғич бадалига** маблағ ажратилди; **2 минг нафар қиз** алоҳида грант асосида олийгоҳларга қабул қилинди, яна **1 минг 800 нафарига** контрактлари тўлаб берилди. Натижада 2021 йилда олийгоҳларга кирган талабаларнинг **60 фоизини хотин-қизлар ташкил этди** (2016 йилда бу кўрсаткич 38 фоиз бўлган). 2021 йилда **1 минг 153 нафар аёлга** юқори технологик тиббий операциялар бепул ўтказилди [5] деб таъкидлаб, амалга оширилаётган ислохотларни сатистик рақамларда ифодалаб бердилар.

Хулоса. Хулоса ўнида шунга айтишимиз мумкинки, фуқаролик жамиятининг ривожланишида хотин – қизларнинг роли бекиёс аҳамият касб этади. Фуқаролик жамияти учун аввало демократиянинг асосий омилларидан бўлган эркинлик, қонун устуворлиги, тенг шароитларнинг яратилганлиги, инсон қадри юксаклиги билан бир қаторда гендер тенгликнинг таъминланганлиги ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳам сўнги йилларда аёлларнинг қулай шароитларда яшаши, таълим олиши, юқори ҳақ тўланадиган меҳнат фаолиятида бандлигини таъминлаш давлат сиёсатида устуворлик касб этмоқда.

Юқоригидагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни таклифларни илгари сурамиз:

- Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи хотин-қизларга шу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг етиб боришида давлат, нодавлат ташкилотларининг масъулиятини ошириш;
- Хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий билимларини оширишга қаратилган янги медиа лойиҳаларни ишлаб чиқиш;
- Мураккаб ҳаётини вазиятларга тушиб қолган хотин-қизларга тезкор, самарали ёрдам механизминини яратиш, бунда мурожаат қилишнинг онлайн ўзликсизлигини таъминлаш;

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш. М. Мирзиёев 2022 - йил 1 - март куни “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги bosқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини

- кучайтириш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар” юзасидан видеоселектор йиғилишидаги нутқидан / <https://aniq.uz/yangiliklar/prezident-raislidagi-videoselektor-yigilishi-boshlandi>.
2. Қирғизбоев. М. Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланма. Андижон давлат университети. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. -524 б.
 3. Утамурадов А. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти. Услубий қўлланма. Т.: InFo Capital Group, 2019.-432 б.
 4. О.П. Осипова, А.П. Колпакова. Деятельность женских общественных организаций и женщин-лидеров в становлении гражданского общества. Серия «ВЕСТНИКА СВФУ» № 2 (10) 2018
 5. <https://kun.uz/news/2022/03/03/xronika-mahalla-oila-va-xotin-qizlar-boyicha-tashkilotlarning-30-yillik-silsilasi>.
 6. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш. М. Мирзиёев 2022 - йил 1 - март куни “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар” юзасидан видеоселектор йиғилишидаги нутқидан / <https://review.uz/oz/post/shavkat-mirziyoyev-raislidagi-xotin-qizlarni-qollab-quvvatlashga-bagishlangan>.